КУТУБХОНАСИ

2007 ЙИЛ, 26 ЯНВАРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 18 (10.827)

Баҳоси эркин нархда

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

# СИНГАПУРДАГИ САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

**СИНГАПУР, 25 январь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни Сингапур Президентининг "Истана" саройида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар Ислом Каримов ва Селлапан Рам Натан фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Сингапур Президентларининг яккама-якка учрашуви бошланди. Ислом Каримов ва Селлапан Рам Натан мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, ўзларини қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ва халқаро майдонда кечаётган жараёнларга икки томоннинг муносабати ва ёндашувлари яқин эканлиги қайд этилди. Ўзбекистон Сингапур билан ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдорлиги, айни пайтда Сингапурнинг Ўзбекистон билан алоқаларни янада ривожлантириш тарафдори эканлиги таъкидланди.

Бу йил мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига ўн йил тўлган бўлса-да, савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларининг, умуман, давлатлараро муносабатларнинг ҳуқуқий асоси ҳали тўла шакллантирилмаган. Шунга қарамай, ўзаро савдо ҳажми 2006 йилда 100 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу икки томонда ҳам ҳамкорлик учун қизиқиш катта эканлигидан далолатдир.

Ўзбекистон ва Сингапур кўпгина халқаро муаммоларга, Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, бир хил назар билан қараши таъкидланди. Бундай ҳамфикрлилик ҳамкорлик учун яхши замин бўлиши, шубҳасиз.

Музокара Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Сингапур Бош вазири Ли Сянь Лун раҳбарлигидаги икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги учрашувида давом эттирилди.

Мулоқот чоғида саноатга, жумладан, нефть-кимё, фармацевтика ва электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноатига замонавий технологияларни жалб қилиш, юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни учинчи давлатларга экспорт қилиш билан боғлиқ соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш икки томон учун ҳам фойда келтириши қайд қилинди.

Музокаралар якунида Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Ли Сянь Лун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Сингапур Республикаси ҳукумати ўртасида иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзоладилар. Ўзбекистон Республикаси ва Сингапур Республикасининг қўшма баёноти қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон билан Сингапур ўртасида ҳаво транспорти қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида икки томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Сингапур Стандартлар, ишлаб чиқариш ва инновация кенгаши ўртасида стандартлаштириш, метрология ва аккредитация соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Сингапур Бизнес федерацияси ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Ислом Каримов Сингапурнинг устоз-маслаҳатчи вазири Ли Куан Ю билан ҳам учрашди. Сингапурнинг ҳозирги тараққиёт даражасига эришишида мана шу етук сиёсатчининг хизматлари катта. Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Сингапур муносабатларини ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз раҳбарининг Сингапурга давлат ташрифини Сингапур оммавий ахборот воситалари кенг ва батафсил ёритмоқда. Мамлакатнинг энг нуфузли газеталари, теле ва радио каналлари ташриф арафасида Ўзбекистон билан Сингапур муносабатлари ва Президент Ислом Каримов ҳақида кўплаб материаллар эълон қилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Сингапурга давлат ташрифи давом этмоқда.

**СИНГАПУР, 25 январь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Сингапур Республикасига давлат ташрифи доирасида икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. У Сингапур бизнес федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

## ЎЗБЕКИСТОН — СИНГАПУР БИЗНЕС-ФОРУМИ

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Р.Азимов мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистоннинг ерости ва еру сти бойликлари, меҳнат ресурслари катта. Лекин мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг моҳияти шундаки, Ўзбекистон қўшимча қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш йўлидан бормоқда. Масалан, пахта хомашёси билан ундан қайта ишланган маҳсулот ўртасида жуда катта фарқ бор. Табиий газ хусусида ҳам шуни айтиш мумкин. Унинг таркибидаги этанол моддаси полиэтилен маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. Ўзбекистон ва Сингапур ишбилармонлари мазкур соҳаларда ҳамкорликни кучайтириши яхши самаралар бериши, шубҳасиз.

Алоқаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари жуда кўп ва хилма-хил. Нефть-газ, нефть кимёси, тўқимачилик, телекоммуникация, металлургия, машинасозлик, озиқ-овқат ва фармацевтика саноати – булар бизнес-форумда тилга олинган соҳаларнинг айримлари, холос.

Анжуманда Сингапурнинг катта давлат ташқи ишлар вазири Зайнал Обидин Рашид, Сингапур бизнес федерацияси халқаро алоқалар қўмитаси раиси Марк Хонг Президент Ислом Каримовнинг Сингапурга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш билан бирга ишбилармон доираларнинг бевосита ҳамкорлиги учун ҳам кенг йўл очишини алоҳида таъкидлади.

— Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган Ўзбекистон Марказий Осиёнинг жадал ривожланаётган мамлакатидир, — деди Зайнал Обидин Рашид. – Улкан салоҳиятга эга бу давлат сўнгги йилларда катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириб, хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштирмоқда. Гарчи, биз Ўзбекистонни яқиндан ўрганишга энди киришган бўлсакда, сингапурликлар у ерда қатор қўшма корхоналар очишга улгурганини таъкидламоқчиман. Масалан, «Сингапур айскрим» компанияси Самарқандда музқаймоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Мазкур қадимий шаҳардаги қўшма корхона бу турдаги маҳсулотлар бозорида етакчилардан. Сингапур углеводород хомашёсини қазиб олиш ва қайта ишлаш, меҳмонхона бизнеси, сайёҳлик, тўқимачилик, инфратузилмани такомиллаштириш каби кўплаб соҳаларда Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Президент Ислом Каримовнинг ташрифи халқларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, мамлакатларимизнинг салоҳияти билан яқиндан танишиш ва мавжуд салоҳиятни ишга солиш йўлларига оид масалаларни муҳокама қилиш учун жуда қулай имконият яратди.

Форум якунида Ўзбекистон ва Сингапурнинг қатор вазирлик ва компаниялари ўртасида ўзаро ҳамкорликка доир ҳужжатлар имзоланди.

## МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимиз Конституциясининг 14 йиллиги муносабати билан қилган маърузасида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда ОАВнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги республика семинарини ташкил этди.**

**• Термиз шаҳридаги 1-вилоят шифохонасида ихтисослашган жарроҳлик маркази иш бошлади. Малакали тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатадиган ушбу марказда мураккаб операцияларни ҳам муваффақиятли ўтказиш имконияти мавжуд.**

**• Навоий Давлат педагогика институти қошидаги Компьютер ахборот технологиялари академик лицейида ташкил этилган бадиий кеча «Ватан юракларда туғилади» деб номланди. Тадбир иштирокчилари ижросидаги Ватан ва Истиқлолни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар, ҳаётдан олинган турли саҳна кўринишлари барчада яхши таассурот қолдирди.**

**• Ишбилармон Ҳабиба Аҳмедова Навоий шаҳрида янги ўқув марказини очди. «Ҳабиба-Зиё» деб номланган ушбу марказда ёшлар учун бичиш-тикиш, зардўзлик, уй ҳамшираси, массаж, компьютер саводхонлиги, бухгалтерия ҳисоби, сартарошлик, инглиз ва рус тилларини ўргатиш, қандолатчилик каби 20 га яқин йўналиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди.**

**•«Навоий тоғ металлургия» комбинатига қарашли 1-тоғ металлургия заводи жамоаси Пахтачи туманидаги 41-мактабгача таълим муассасаси таъмирлашга 15 миллион сўм маблағ ажратди. Янги йилда ҳомийлар ҳиммати билан болалар муассасаси чиройли, шинам ва кўркам даргоҳга айланди.**

**• Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан «Камолот» ЁИҲ Зангиота тумани Кенгаши Назарбек, Хонобод, Иттифоқ, Қатортол қишлоқлари ҳамда Эшонгузар шаҳарчасида яшовчи 125 нафар кам таъминланган оилалар, ногирон болалар ва фахрийлар ҳолидан хабар олиб, уларга совға-саломлар топширди.**

**• Когон Саноат-транспорт касб-ҳунар коллежи Ўзбекистон — Польша таълим лойиҳаси гранти танловида ғолиб чиққанди. Шу грант ҳисобига олинган 670 минг евро миқдоридаги маблағ мини-фабрика ташкил этишга асос бўлди. Бу ерда коллеж ўқувчилари ҳунар ўрганиш билан бир қаторда, буюртма асосида кўрпа-ёстиқ жилдларини тикишмоқда.**

## ЖАҲОНДА

**• БМТнинг иқлим ўзгариши масалалари билан шуғулланувчи ҳукуматлараро комиссияси тайёрлаган ҳисоботда дунёдаги глобал иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар инсоният фаолиятининг натижаси эканлиги ва бундан кўз юмиб бўлмаслиги ҳақидаги хулоса баён этилган. 1,6 минг саҳифадан иборат ушбу ҳисоботни тайёрлашда кўплаб мамлакатлардан 600 нафар мутахассис қатнашди. Ҳисобот 2 февраль куни Парижда кенг омма эътиборига ҳавола қилинади.**

**• Швейцариянинг Давос шаҳрида анъанавий Бутунжаҳон иқтисодий форуми иш бошлади. Унда дунёнинг 90 давлатидан ташриф буюрган президентлар, вазирлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва етакчи иқтисодий мутахассислар иштирок этмоқда. 28 январгача давом этадиган форумда Яқин Шарқ, Ироқдаги вазият, об-ҳавонинг глобал исиши ва Осиё давлатларининг иқтисодий ўсиши масалалари муҳокама қилинади.**

**• Россия Президенти Владимир Путин икки кунлик ташриф билан Ҳиндистонга келди. У мамлакат расмийлари билан мудофаа ва энергетика соҳасида икки томонлама алоқаларни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказмоқда.**

**• Исроил Бош вазири Эхуд Ольмерт мамлакат Президенти Моше Кацавга мурожаат қилиб, уни истеъфога чиқишга чақирди. Бош вазир Президентни ҳукуматга зарар келтиришда ва зўравонликда айбламоқда. Бундан олдин барча айбловларни рад этган Кацав агарда ўзига нисбатан расмий айблов эълон қилинган тақдирда дахлсизлик мақомидан воз кечиши ва лавозимидан кетишга тайёрлигини билдирди.**

**• Эквадор Мудофаа вазири Гуандалупе Ларрива хоним авиаҳалокат оқибатида ҳаётдан кўз юмди. Гап шундаки мудофаа кучларининг бир неча юқори лавозимли ходимлари, икки нафар учувчи, Ларрива хоним ва унинг кичик қизи ўтирган вертолёт Манта ҳарбий базасидан кўтарилган бошқа вертолёт билан тўқнашиб қулаб тушганлиги натижасида парвоз қилаётганларнинг барчаси ҳалок бўлган.**

**МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ДАСТУРИДА КЎЗДА ТУТИЛГАНИДЕК, ҲОЗИРГИ КУНДА ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН. УШБУ ТИЗИМНИНГ ЎЗИГА ХОС КЎЛАМИ, ОЛДИГА ҚЎЙИЛГАН ВАЗИФАЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ МАВЖУД БЎЛИБ, АҲОЛИГА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН БЕПУЛ, СИФАТЛИ ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИБ КЕЛИНМОҚДА.**

*Ҳамкорлик*

# ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ЖИҲОЗЛАР ТОПШИРИЛДИ

Халқ саломатлигини сақлашда шаҳар «03» тез тиббий ёрдам станциясининг малакали ходимлари аҳолига туну кун сифатли ва самарали хизмат кўрсатиб келмоқдалар. Куни кеча шаҳар «03» тез тиббий ёрдам станциясига Жанубий Кореянинг «Біопеt» компанияси вакиллари томонидан беғараз ёрдам сифатида тез тиббий ёрдам машиналарига ўрнатиладиган замонавий тиббий жиҳозлар топширилди. Булар катталар ва болалар учун ЭКГ ҳамда монитор аппарати бўлиб, бу замонавий анжомлар беморнинг юрак фаолияти, қон босими, ҳарорати, нафас олишини бир зумда аниқлаб беради. Мазкур аппаратлар тез тиббий ёрдам машиналарига ўрнатилиб, синовдан ўтгач келгусида тез тиббий ёрдам хизмати учун мана шундай анжомлар ўрнатилган 160 та «Хундай» машиналарининг келтирилиши мўлжалланмоқда.

— Айтиш жоизки, кейинги йилларда тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди,— дейди шаҳар «03» тез тиббий ёрдам станциясининг бош шифокори Саидазим Аъзамхўжаев.— Шаҳримизда 12 та тез тиббий ёрдам шохобчалари мавжуд бўлиб, шулардан 10 тасида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Ҳозирги кунгача шаҳримизда тез тиббий ёрдам хизмати учун 85 та «Дамас» ва 12 та «Газель» русумли машиналар олиниб, улар махсус бригадалар ва замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Шунингдек, шаҳар бўйича тез тиббий ёрдам хизматида 440 нафар юқори малакали шифокорлар ҳамда 450 нафар ўрта махсус маълумотли фельдшерлар аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқдалар. Шуни ҳам айтиш керакки, «03» хизмати 80 турдаги дори-дармонлар ва 40 турдаги тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Тез тиббий ёрдам станциясида бугунги кунда 20 нафар нозим туну кун аҳолидан чақирувлар бўйича қўнғироқларга жавоб беради. Бир йилда 650 мингдан ортиқ чақирувлар бўйича тез тиббий хизмат кўрсатилади. Бир суткада эса 121 та машина «03» хизматида шаҳар аҳолисига тез ёрдам кўрсатиш учун фаолият кўрсатади. Энг муҳими, бугунги кунда ҳар бир тез ёрдам машинаси ва ҳар бир шифокорда радиостанция мавжуд. Бу тез тиббий ёрдам хизматининг фаоллигини оширади, албатта.

Дарҳақиқат, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатишда «03» хизматининг роли беқиёсдир. Ўйлаймизки, келгусида мамлакатимизда тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати яна ҳам яхшиланиб боради.

**Дилором ИКРОМОВА**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар





**СУРАТЛАРДА: шаҳар «03» тез тиббий ёрдам станциясига замонавий тиббий аппаратларни топшириш жараёнидан лавҳалар.**

**Наталья Семёнова олган суратлар**

# ФАОЛ ЖУРНАЛИСТЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**ПОЙТАХТИМИЗДА "ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ" ЖАМҒАРМАСИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА "КАМОЛОТ" ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН "КЕЛАЖАК ОВОЗИ – 2006" КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА КЕНГ ВА АТРОФЛИЧА ЁРИТГАН ФАОЛ ЖУРНАЛИСТЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Икки йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур ижодий беллашув санъат, фан ва таълимнинг турли йўналишларида изланаётган истеъдодли ёшларни кашф этиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янги ижодий парвозлар сари ундашда катта аҳамият касб этаётир. Агар 2005 йилдаги беллашувда салкам уч минг нафар ёш қатнашган бўлса, 2006 йили ўтказилган кўрик-танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ўн мингдан ортиқ йигит-қиз иштирок этди. Бу эса танловнинг мавқеи ва обрўси юртимиз ёшлари орасида тобора ортиб бораётганидан далолат.

Ижодий беллашувнинг мақсади, мазмун-моҳияти ва жараёнлари юртимиз оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилгани танловнинг нуфузини янада оширди.

Тадбирда бу борада алоҳида фаоллик кўрсатган «Халқ сўзи» газетаси мухбири Омонулла Файзиев биринчи ўринга сазовор бўлгани таъкидланди. Иккинчи ўрин «Хоразм ёшлари» газетаси мухбири Эрпўлат Бахтга, учинчи ўрин «Туркистон» газетаси мухбири Тошпўлат Холиқовга насиб этди. Шунингдек, бир қатор босма ва электрон нашрлари вакилларига диплом ва рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

**(ЎзА)**

## Қисқа сатрларда

●**КЕЧА** Ўзбек—Япон марказида шаҳримиздаги 101-махсус мактаб ҳамда Япониянинг Осака шаҳрида жойлашган махсус мактаб тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган видеоконференция Осака шаҳри маъмурияти ҳамкорлигида уюштирилди.

●**КЕЧА** Сергели тиббиёт коллежида ўқувчиларга «Марварид» фольклор этнографик дастаси томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

●**ТОШКЕНТ** молия институтида ўқитувчилар иштирокида уюштирилган илмий-амалий анжуман «Олий таълим муассасаларида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш» деб номланди.

●**2-ТОШКЕНТ** юридик коллежида ёшлар орасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ҳоллари содир бўлишига қарши кураш чораларига бағишлаб ўқувчилар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган тадбир Чилонзор туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, туман ИИБ, туман прокуратураси ҳамкорликларида уюштирилди.

● **«ЎЗБЕКИСТОН** ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси қошида ташкил этилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш марказининг фаолияти мутахассислар иштирокида уюштирилган тадбирда юқори баҳоланди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 27 январь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1 даража совуқ, 1 даража илиқ, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

# ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ

***Жорий йил 28 январь куни пойтахтимиздаги 15-Феруза (Мирзо Улуғбек тумани) ва 52-Уста Ширин (Юнусобод тумани) сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига сайловлар бўлиб ўтади. Шаҳар депутатлик корпусининг икки мандатини қўлга киритиш учун ЎзЛиДеП, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси шаҳар Кенгашлари томонидан ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан жами еттита номзод кўрсатилган. Айни пайтда номзодлар ташвиқот ишларини шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали ҳам давом эттирмоқдалар. Қуйидаги номзодлар ўз сайловолди дастурларини газетамиз саҳифасида таништириш ихтиёрини билдирди.***



**Саид Жамолхон Саид Азизхон АЛ-ОРИФХЎЖА,**
**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий Кенгаши марказий аппаратининг мафкура, ички ва ташқи алоқалар бўлими мудири**
**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзоди Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан 15-Феруза сайлов округи бўйича кўрсатилган.**

Саид Жамолхон ал-Орифхўжа 1975 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топган ва туғилиб ўсган «Олмазор» маҳалласида истиқомат қилади. Оилали, икки фарзанднинг отаси.

1992 йилда пойтахтдаги араб тилига ихтисослашган 1-махсус мактабни аъло битириб, тил бўйича республика олимпиадаси ғолиби сифатида Тошкент Давлат шарқшунослик институтига имтиёзли қабул қилинди ва мазкур олий ўқув юртини ҳам имтиёзли диплом билан тугатишга эришди. Бундан ташқари, Қоҳира университетининг (Миср Араб Республикаси) иқтисод ва сиёсий фанлар факультети, масофавий таҳсил олиш орқали Шанхай университетининг (Хитой Халқ Республикаси) ахборот технологиялари факультетида ўқиган.

Армия хизматини ўтагач, 2000-2004 йилларда «Ўзбекинвест» миллий суғурта компаниясининг «Стратегик ривожланиш» департаменти менежери, «Оммавий фикрни шакллантириш ва ахборот кўмаги» гуруҳи раҳбари, матбуот хизмати бошлиғи сифатида ишлади. Кейинчалик хусусий тадбиркорлик билан шуғулланди. 2004-2006 йилларда «Ijtimoiy Texnologiyalar Markazi», «ITM & SAS», «FIVEFOLD GROUP», «Akadem Multimedia Texnologies» корхоналарини ташкил этди ва ушбу корхоналар ҳозирда ҳам жамоатчилик билан алоқалар, сиёсий консалтинг, ахборот технологиялари йўналишлари бўйича муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда.

2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг «Аксил тарғибот ва ахборот хуружларига қарши кураш» йўналиши бўйича махсус курсини битирган. Айни пайтда мазкур академиянинг тадқиқотчиси сифатида сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация устида ишламоқда.

*— Ислоҳотлар учун, келажагимиз учун жамият бирламчидир. Барча сиёсий ислоҳотларнинг самарали кечуви, айниқса, мамлакатимиз Президентининг сиёсий партиялар ролини кучайтиришга қаратилган Конституциявий Қонун лойиҳаси ташаббуси билан чиқишлари ҳам аслида жамиятимиз чинакамига ўз ҳуқуқини биладиган, жипслашган жамият бўлиб шаклланаётгани далилидир.*

*Маҳаллий Кенгаш депутатининг вазифаси уни сайлаган округ аҳолисининг кенг муаммоларини маҳаллий ҳокимият органи эътиборига ўз вақтида етказиш, уларнинг атрофлича муҳокама этилиши ва ечилишига эришишдир.*

*Қуйидаги тамойиллар мен учун устувордир:*

*— Ўз эли, халқини фидойиларча севиш, унинг кучи ва қудратини барча нарсадан устун кўриш,*

*— Юртимизда яшайдиган барча элатлар миллий ўзликларининг чуқур эҳтиром этилиши ва бағрикенглик асосидаги бирдамлигига эришиши билан буюк бўлади,*

*— Жамиятимиз шароитига, унинг руҳияти ва менталитетига адолат, эркинлик, бирдамлик ғояларини бош қадрият деб билувчи, ўртаҳол ва эҳтиёжманд аҳоли манфаатларини ҳимоя этувчи, ўз хатти-ҳаракатларини фозиллик тамойилига бўйсундирувчи сиёсий платформа — социал-демократия кўпроқ наф келтира олади. Бу платформа Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан илгари сурилмоқда.*

*Менинг номзодим учун овоз бериб, аслида қуйидаги масалаларнинг ҳал этилиши учун овоз берган бўласиз:*

*— ҳудуддаги маҳаллаларнинг турмуш шароитига оид муаммоларни бартараф этиш,*

*— аҳолини иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтириш,*

*— ҳудудда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш,*

*— инвестицияларни жалб қилиш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш,*

*— соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш,*

*— халқ таълими тизимидаги ислоҳотларни жадаллаштириш,*

*— аёлларнинг ижтимоий жараёнлардаги иштирокини кучайтириш,*

*— ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги фаоллигини таъминлаш,*

*— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада ривожлантириш,*

*— меҳр-мурувват тадбирларини амалга ошириш, айниқса ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли қатлами ижтимоий муҳофазасини кучайтириш.*



**Насиба МИРОДИЛОВА,**
**Тошкент шаҳар «Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар» жамоат бирлашмаси раиси, Ўзбекистон Фидокорлар Миллий-демократик партияси шаҳар Кенгаши котиби**
**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзоди Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси томонидан 52-Уста Ширин сайлов округи бўйича кўрсатилган.**

Насиба Миродилова 1962 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетини тугатган.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1984 йилда ўқитувчи сифатида пойтахтдаги 26-мактабда бошлаган. 1986-1996 йилларда Охунбобоев номидаги ўқувчилар саройида бўлим бошлиғи, 1996-1997 йилларда Республика Хотин-қизлар қўмитасининг масъул ходими бўлган. 1998 йилда «Халқ бирлиги» ҳаракати Чилонзор тумани Кенгаши раиси, сўнг Тошкент шаҳар «Халқ бирлиги» ҳаракати раиси ўринбосари этиб сайланди. 2000 йилдан ҳозирги кунгача тадбиркорлик йўналишида фаолият олиб бормоқда.

2007 йил бошида «Нилуфар» гўзаллик уйини очди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон-Эрон «Ширин дунё» масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари, жамоатчилик асосида — Тошкент шаҳар «Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар» жамоат бирлашмаси раиси.

Шунингдек, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси котиби, ЎзФМДПнинг «Аёллар қаноти» раиси.

*— Ўз сайловолди дастуримни Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясининг асосий йўналишлари — демократия, эркинлик ва адолат тамойилларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқдим.*

*Жумладан, аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиш, хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш борасида қуйидаги ижтимоий аҳамиятга эга масалаларни устувор деб белгиладим:*

*— янги иш ўринларини яратиш мақсадида номзодим кўрсатилаётган ҳудудда ишлаб чиқариш корхонасини ташкил қилиш,*

*— хусусий ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш, шу жумладан маҳаллаларда аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида касаначиликни ривожлантириш,*

*— фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кўтариш,*

*— соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасаларнинг моддий-техник ҳолатини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ижтимоий ёрдамни кучайтиришга йўналтирилган таклифларни мунтазам киритиб бориш,*

*— бозор иқтисодиёти шароитида оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларида асосий эътиборни нафақадаги фуқаролар ва ёш болали аёлларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратиш,*

*— коммунал хизмат кўрсатиш тўловларини аҳолининг аниқ даромадларига мослаштириш ҳамда тармоқда мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига тегишли таклифлар киритиш,*

*— маҳаллалар ҳудудида ўғил-қизларни касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида ўқув марказлари, шу жумладан ҳомийларни жалб этган ҳолда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя этишга йўналтирилган «Ёшлар маркази»ни ташкил этиш,*

*— маҳаллаларда хусусан аёлларни тадбиркорликка йўналтириш учун бошланғич сармоя муҳимлигини инобатга олган ҳолда «Кредит уюшма»сини ташкил этиш.*

*— хорижий инвестицияларни энг зарур соҳаларга жалб этган ҳолда янги иш ўринлари яратиб, оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзини кўтариш дастурини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш,*

*— ўқитувчи ва шифокорлар меҳнатини янада рағбатлантириш юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига таклифлар киритиш,*

*— ҳудудда яшаётган турли миллатга мансуб ҳар бир фуқаро манфаатини кўзлаган ҳолда «Ўзбекистон — умумий уйимиз» тамойилини янада кенг тарғиб этиш; турли эътиқоддаги кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ватанпарварлик туйғусини турмуш тарзига айлантириш, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш.*



**Шавкатбек ИРГАШЕВ,**
**Мирзо Улуғбек тумани ҳокими**
**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзоди фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан 15-Феруза сайлов округи бўйича кўрсатилган.**

Шавкатбек Иргашев 1964 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Олий маълумотли. Тошкент Автомобиль йўллари институтида таҳсил олган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини ҳам тугатган.

Партиясиз. Оилали, уч фарзанднинг отаси.

Меҳнат фаолиятини «Ўзбошқурилишёғочсаноат» тизимидаги корхонада чилангарликдан бошлаб, катта муҳандисликкача бўлган йўлни босиб ўтган. 1987-1991 йилларда — Акмал Икромов (ҳозирги Учтепа) туманидаги ёшлар қўмитасида йўриқчи, «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмасида — ёшлар қўмитаси котиби, туман ёшлар қўмитаси раҳбари бўлган. 1992 йилда Тошкент шаҳар ҳокимиятида етакчи мутахассис, ҳоким ёрдамчиси лавозимларида фаолият юритган. 1993-1997 йилларда — Мирзо Улуғбек тумани ҳокими ўринбосари, ишлар бошқарувчиси, туман ижтимоий-таъминот бўлими бошлиғи, туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи, 1998-2001 йилларда — Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси бошқарувчиси ўринбосари, 2002-2004 йилларда — Собир Раҳимов тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2005 йилда Мирзо Улуғбек тумани ҳокими этиб тайинланди ва ҳозирги кунда унинг раҳбарлигида туман инфратузилмасини ривожлантириш борасида кўзга кўринарли бир қатор салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

*— Биз демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган эканмиз, демократиянинг асосий тамойиллари — жамиятимизда халқ иродасининг тўла ҳукм суриши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қарор топиши барча саъй-ҳаракатларимизда ўз ифодасини топмоғи лозим.*

*Туманга раҳбарлигим даврида асосий эътибор ижтимоий-иқтисодий масалаларга қаратилди. Бу борада ишлаб чиқилган дастурлар асосида кўплаб қурилиш ишлари амалга оширилганини алоҳида таъкидламоқ лозим. Жумладан, «Олтинтепа-5», «Гулистон» ,«Нур» маҳалла гузарлари барпо этилди, Тошкент саноат коллежи, 35, 50, 71, 112, 130, 207 ва 225 -мактаблар таъмирдан чиқарилди.*

*Зиммамдаги вазифаларни бажариш мақсадида, ҳомийларни жалб этган ҳолда 211-мактаб биноси тўла таъмирланди, сайлов округи ҳудудидаги маҳалла ёшларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлашга йўналтирилган «Бешкапа» маҳалласи ҳудудида барча шарт-шароитлар яратилган, замонавий анжомлар билан жиҳозланган спорт мажмуаси қурилди.*

*Мамлакатимиз Президенти томонидан тасдиқланган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастури доирасидаги чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш борасида бюджетдан ташқари ҳомийлар томонидан 875 миллион сўм маблағ сарфланди. Жумладан, 7-сил касаллиги диспансери ва 9-оилавий поликлиникада қайта таъмирлаш ишлари қисқа муддат ичида амалга оширилиб, фойдаланишга топширилди. «Феруза» ва «ТТЗ» мавзелари оралиғида жойлашган «Ширин» бозорида, ҳозирги кунда долзарб масалалардан бўлган бозорларда нарх-наволарнинг ўсиб кетишининг олдини олиш мақсадида вилоятлардан арзон нархларда аҳолига зарур бўлган картошка, пиёз, гуруч, тухум, товуқ ва гўшт маҳсулотлари олиб келиниб сотилмоқда. Бундан ташқари, ҳар бир маҳалла ҳудудида дала дўконлари қурилиб, улар орқали арзон қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сотилиши ташкиллаштирилди.*

*Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тасарруфида бўлган кўп қаватли уйларни тартибга келтиришга оид ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш борасида юқорида қайд этилган мавзелардаги кўп қаватли уйларнинг ён-атрофлари тартибга келтирилди, кириш йўлаклари тўлиқ таъмирланиб, темир эшиклар ўрнатилди, уйларнинг 15,5 минг квадрат метр том қисми қайта ёпиб берилди. Аҳоли илтимосига биноан тўй-ҳашамларни ўтказиш учун Феруза мавзесида «Умурзоқ ота» тўйхонаси фойдаланишга топширилди. Юзработ ва Феруза кўчалари таъмирланиб, кенгайтирилди.*

*Аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида 10 миллион АҚШ долларига тенг хорижий сармояларни жалб қилган ҳолда «БФ текстиль продакшн» ва «Ажарбо-текстиль» корхоналари ишга туширилиб, 800 га яқин янги иш ўринлари ташкиллаштирилди. 2007 йил давомида мазкур корхоналарда қўшимча яна 500 тадан кўпроқ иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.*

*Айни пайтда қуйидаги вазифалар мен учун устувордир:*

*— Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолини, жумладан кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар, талаба ва пенсионерларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, бу борада энг муҳими — ўзгалар кўмагига муҳтожларнинг барчасига имкон даражасида ёрдам бериш;*

*— Ижтимоий ҳимоя йилида ҳудуддаги 2930 нафар нафақахўрга еттита почта хизмати орқали белгиланган 157,1 миллион сўм миқдоридаги нафақаларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш;*

*— ҳудуд доирасидаги саккизта маҳаллада истиқомат қилувчи 556 та кам таъминланган оила учун дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат, бошқа эҳтиёжларига 6 миллион сўм миқдоридаги ёрдамни ўз вақтида кўрсатиш;*

*— маиший хизматлар турларини янада кўпайтириш мақсадида «Туркистон» маҳалласининг Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 122-уйда сартарошхона, Феруза кўчаси, 1-уйда тиббиёт хизмати шохобчасини ташкил этиш;*

*— «Туркистон» маҳалласида ҳомийларни жалб этган ҳолда маҳалла гузарини қуриш;*

*— Ҳудуддаги 13 та кўп қаватли уйни жорий йилда мукаммал таъмирлаш.*

*Юқорида айтиб ўтилган йўналишлар негизида зарур чора-тадбирларни амалга ошириш борасида ўзгалар эътиборига муҳтож ўсмир-ёшларга алоҳида аҳамият бериш, «Сен ёлғиз эмассан» шиорини жамиятимиз ҳаётига чинакамига жорий этиш муҳимдир.*

# СУВ РЕСУРСЛАРИНИ АСРАШ ЙЎЛИДА

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ОЛИМЛАРИ МУТАХАССИСЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ИЛК БОР ЕР УСТИ СУВЛАРИ АТЛАСИ ҲАМДА УНИНГ ЭЛЕКТРОН НУСХАСИНИ ЯРАТДИЛАР.**

МДҲ давлатларида ҳали учрамаган бу атлас алоҳида мавзули 22 картадан иборат бўлиб, унда сув манбалари, уларнинг тақсимланиши ва бошқа гидрологик жараёнлар жадваллар орқали илмий асослаб ва тақсимлаб берилган. Маълумотларга кўра ер куррасидаги сув ресурсларининг атиги икки фоизигина ичишга яроқли экан. Ўзбекистон иссиқ иқлим минтақасида жойлашганлиги сабабли ҳаётимизнинг кўп жабҳаларида сувга бўлган эҳтиёж ниҳоятда катта. Мамлакатимиздаги мавжуд ер усти сувларининг ҳозирги ҳолати гидрологик жараёнларни илмий асосда ўрганиш ҳамда уни халқ хўжалиги тараққиёти учун йўналтириш соҳа мутахассислари олдида муҳим вазифа бўлиб турибди. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари республика Фанлар академияси мутахассислари билан ҳамкорликда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Улар томонидан ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида дастлаб Орол ҳавзаси ер усти сувлари картаси яратилди. Кейинги икки йил давомида эса олимлар бу борадаги изланишларни давом эттириб, Ўзбекистон ер усти сувлари атласи ҳамда унинг электрон нусхасини тайёрлашди. Атласда республикамиздаги мавжуд дарёлар сувининг тақсимланиши йирик кўллар ва сув омборлари, Орол денгизига қуйиладиган дарё сувлари динамикаси, денгиз сувининг йиллар давомидаги сатҳи, минераллашуви ва бошқа маълумотлар ўрин олган. Атлас биринчи навбатда мамлакатимизда мавжуд бўлган ер усти сувларини ҳозирги ҳолатини аниқ баҳолашга имкон беради. Яратилган янги атлас ичимлик суви таъминоти, экология, гидрология ва бошқа қатор соҳалар билан шуғулланадиган барча мутахассислар учун муҳим қўлланма ҳамдир.

**Рустам ХАЙДАРОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

*Санъат*

# КОЛЛЕЖДА ҚИЗИҚАРЛИ КОНЦЕРТ

**ТОШКЕНТ МАДАНИЯТ КОЛЛЕЖИДА «МУСИҚАГА ОШНО ҚАЛБЛАР» ДЕБ НОМЛАНГАН КОНЦЕРТ ДАСТУРИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЎҚУВ ЮРТИНИНГ ТАЛАБАЛАРИ ВА ЎҚИТУВЧИЛАРИ ИЖРОСИДА МУМТОЗ ҚЎШИҚ ВА КУЙЛАР ЯНГРАДИ.**

Фольклор йўналишида янграган дилбар рақслар ва дилрабо қўшиқлар ўзининг бетакрор жозибали жиҳатлари билан барчага бирдай манзур бўлди. Шунингдек, концертда эстрада, миллий мумтоз қўшиқларимиз, мақом йўналишларида янграган наволар ҳам ўз жозибаси билан иштирокчиларни мамнун этди. Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу масканда таълим олаётган ўқувчилар шаҳар, республика миқёсида ўтказилган турли танлов ва мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб, коллеж шаънини шарафлаб келмоқдалар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхшидир.

**ҲАДИС**

Уламолар суҳбатида бўл, пок, соф ниятли кишиларга талпин.

**“Амир ТЕМУР ўгитлари”**

Илмсиз иликсиз сўнгак каби бўшдир, иликсиз сўнгакка қўл урилмайди.

Билим билан кишининг мартабаси ошади, илмсизлик эса кишини тубанлаштиради.

Билимли киши керакли сўзни сўзлайди, кераксиз сўзни кўмиб ташлайди.

**Аҳмад ЮГНАКИЙ**

**Муродингни ҳаётинг ичра ахтар,**
**Ки мавҳум илм ичинда бўлма ахгар.**

**Анбар ОТИН**

Қайси бир олимнинг илмидан сўралганда қизғониб гапириб бермаса, қиёматда оғзига ўтдан тизгин солиб қўйилади.

**ҲАДИС**

Илмсиз инсон — мевасиз дарахт.

Нодонга илм ўргатмоқ умрни зое ўтказмоқдир.

Илм бир хазина бўлса, бу хазина калити савод.

Илм келинчакка ўхшайди, хилват ва пинҳонликни ёқтиради.

Илм — инсон зийнати.

Қоғозга туширилмаган илм унутилиб кетади.

Кимки илм билан ақлини оширишга уринса, молу давлат ўзи келаверади.

Илм бўлмаса одамнинг ҳайвондан фарқи бўлмас эди.

Молни ишлатганинг сари озаяди, илм эса кўпаяди.

**Ҳар кимки эрур улума моҳир,**
**Бўлғай анга сўзнинг ҳусни зоҳир.**

**Шавқий КАТТАҚЎРҒОНИЙ**

Аввало олим бўл! Лоақал таълим олувчи ёки тингловчи, илму уламоларни севувчи бўлгин.

**ҲАДИС**

**Заковатли уқади, билимли билади,**
**Билимли, заковатли тилакка етади.**

**Юсуф Хос ҲОЖИБ**

Ҳар кишининг руҳи илм бирла қувватланса, шафқатли ва бетаъма бўлур.

**Сидқий ХОНДОЙЛИҚИЙ**

**Одамга фақат ҳусн эрур рўйига зеб,**
**Ботинда жамил ўлмаса, бу ҳусн бекор.**

**Дилшоди БАРНО**

Сайри жаҳон қилинг, сувга ўхшаб. У доим оқишдадур — тоза ва хушдур ва агар бир ерда кўп тўхтаб қолса, бадбўй бўлур.

**Муҳаммад Сиддиқ РУШДИЙ**

Амалсиз илм — мевасиз ёғоч.

**“ОТАЛАР сўзи”**

**Ҳамма эзгуликлар билим туфайлидир.**
**Билим туфайли гўё кўкка йўл топилади.**
**Сўз бўз ерга яшил кўкдан тушди,**
**Сўзи туфайли инсон ўзини улуғ қилди.**

**Юсуф Хос ҲОЖИБ**

Борди-ю кишининг учта фарзанди бўлса, ҳар учовига ҳам илм ўргатгани яхши. Агар бундай имкониятга эга бўлмаса, биттиасига илм ўргатсин, биттасига ҳунар ва яна биттасига зироат ёки тижорат ўргатсин. Умуман, уларни бирор фойдали иш билан машғул қилиш, нобакор ва қабиҳ кишилар билан улфат, ҳамсуҳбат бўлишидан қайтариш керак.

**Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-ЖОМИЙ**

**Эй келди фунуни илм таслим санга,**
**Қилмоқ анга лозим бўлди таъзим санга.**
**Гарчи йўқ эрди қувват оёқимда, вале,**
**Келдим бош ила олғали таълим санга.**

**ОГАҲИЙ**

Яхши хислат жаҳонда олий мартаба ва юксак даражага етказувчидир. Аммо бунга етишиш воситаси илм ва одоб бойлигидир.

**Илм саодатга йўлловчи машъал,**
**Жоҳиллик ўлимга бошлар ҳар маҳал.**

Қитъа:

**Билим кишиларни улуғвор қилар,**
**Одамдан кетмайди то у ўлгунча.**
**Олтин, кумуш билан керилма зинҳор,**
**Бу иззат олтин-кумуш тургунча.**

**Муиниддин ЖУВАЙНИЙ**

Олимлар қалами шаҳид қонидан муқаддас.

**ҲАДИС**

Китоб — барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақлидрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.

**“Амир ТЕМУР ўгитлари”**

Садақанинг афзали мусулмон кишининг илм ўрганиб, сўнг бошқа мусулмон биродарларига ҳам ўргатишидир.

**ҲАДИС**

Илму фан уйига юборинглар болангизни,
Анда ўқуганлар бори яктои жаҳондир.

**Аваз ЎТАР**

**Дунёни билмакка идрокинг гаров,**
**Зеҳн қўймоққа дили покинг гаров.**
**Яхши иш қилмоқ учун йўқча ўқув,**
**Санга лозимдур уқув бирлан ўқув.**

**Анбар ОТИН**

Илмнинг чеки йўқ, қанча кўп ўқисанг, билмаган нарсаларинг шунчалик кўпаяверади.

**“ФАВОКИҲ АЛ-ЖУЛАСО”**

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ**
**тайёрлаган**

Юнусобод тумани, Чимкент тракти-79, манзили бўйича жойлашган, фуқаро Сайдалиев Улуғбек Жаҳонгирович номига берилган 7-345/2004 рақамли, ер ва бино кадастри ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

